

Абдуҳад МУХТОРОВ

ЎБРАТ

«ТАФАККУР» нашриёти
ТОШКЕНТ-2010

1

Мен кўлимга қалам олишдан аввал кўп ўйладим ва ўзимга такрор ва такрор саволлар бердим. Аввало ўзимдаги камчиликларни кўз олдимга келтирдим ва хаётда кўрган пасти баландликларни, қийинчилик ва баъзи хатоларимни сарҳисоб қилган ҳолда хаётдаги кўрган ва эшитганларимни, хавас қилган одамларимнинг ҳолида кўз олдимда баъзи бир одамларнинг қилган хатоларини, оқибатда хаёт деб аталмиш уммоннинг тўлқинларига дош беролмай фарқ бўлганларини кўриб ўз мулоҳазаларимни ёзишга жазм қилдим. Токи шуни ўқиган кишиларга озгина бўлса ҳам бир ибрат бўлса ва фойдаси тегса ўзимнинг шу жамятга озгина бир улуш кўшганлигимдан бахтиёр бўлардим.

ISBN:978-9943-372-79-5

© Абдуҳад Мухторов

© «ТАФАККУР» нашриёти 2010

2

Kitobxon.Com

ИБРАТ

Авжи саратон, кишлок аҳли кечки ором оғушида. Сиддиқ болалари билан телевизор кўриб ўтирар эди. Шу топда бехосдан дарвоза томондан овоз келди:

- Ҳу Сиддиқбой, уйдამисиз?

Бу чақирилмаган меҳмонни Сиддиқжон овозидан таниди, хотини эса жавранди:

- Хах дадаси-я. Яна шу алкашми, нима сиздан бошқа дардкаши йўқми?

Сиддиқ кескин оҳангда:

Жим бўл, уйга жой қил, овқатинг борми, - дея жойидан турди ва дарвоза сари юрар экан товуш берди.

- Ҳайданг, ҳайданг, ассалому алайкум Толмас ака, қани ичкарига марҳамат.

- Уйдამисиз, узр безовта қилдим ука, сиз ўзимники, кўнглим тортади.

Сиддиқ ака Толмас ака билан кўришиб кўлига сув қуйди, сўнг ичкарига бошлади, фотиҳадан сўнг Сиддиқ Толмас акага юзланиб сўради:

- Тинчликми ака, бесаранжомроқ юрибсиз, ия юзингизга нима қилди, йиқилдингизми?

Бу сўровдан Толмас ака йиғлаб юборди. Ўзини тутолмай унсиз силкиниб-силкиниб йиғлади. Сўнгра бир оз тин олиб гап бошлади.

- Сиддиқжон мен кимман ўзи, қайси гуноҳим учун бу азобларга чидашим керак? Ўғил ўстириб олган обрўйим, кўрган хузур халоватим шуми? Мен уни боқиб ўстирдим, уйлантирдим. Айтган гапим, ароқ ичма, шуни қўй дедим, хабарингиз бор ишдан ажради, хозир бекорчи, уйда ҳар кун жанжал, на онасини, на мени билади, шу чоққача онасини сўкарди, мана бугун мени урди. Қандай чидай бу аҳволга ўзимни ўлдирайми ёки тарки дунё қилиб бирор жойга кетайми, нима қилишим керак?

Сиддиқ ёши олтмишдан ошган бу одамнинг но-ласини эшитиб карахт бўлиб қолди, ё тавба, ўз отаси-га қўл кўтариш, бу не ҳол, кўз ўнгидан ўз ўғиллари ўтди. Ўзича нимадир деб гўлдираб унга таскин бер-ди. Айтди-ю Толмас аканинг кечирган турмуши, оиласидаги аҳволи, бу одамнинг ёшлик пайтларини кўз олдига келтирди ва беихтиёр «ҳар ким эккани-ни ўради» деган халқ мақолини эслади. Сиддиқнинг кичкина ўғли чой, дастурхон олиб кирди:

- Ассалому алайкум, - дея дастурхонни хонтахта устига ёзди, чойнакни қўйиб Толмас бобоси билан кўришди ва унинг аҳволини кўриб жавдираб дада-сига қаради:

Сиддиқ боланинг бу суҳбатда қатнашишини ис-тамай секингина «майли боравер» дея рухсат бер-ди, бола чиқиб кетди. Сиддиқ меҳмон билан ёлғиз қолди.

Орага узоқ сукунат чўкди. Толмас ака ерга қараганча дастурхон попигини ўйнар, Сиддиқ эса хаёлан бу одамнинг умрини сарҳисоб қиларди.

* * *

1965-70 йиллар, шўро куч устида, бир беш йилликда икки беш йилликни бажариб қахрамон бўлиш одат тусига кирган. Халқ тўқ, нон оёқ ости-да, одамлар турли туман динда-ю, бир пайғамбарга сиғинади. Каба Москва, пайғамбари Брежнев. Бо-лалар ҳар куни мактабга боради ва эрталаб мактаб директори бошчилигида ўқувчилар сбори бўлади. Йиғин охирида яхши ўқишга ва «Ленин» васиятла-рини бажаришга сўз беришади.

Замон тинч. Нима еб, нима ичаман деб ўйламайсан, сен учун она Партия, қолаверса Москва ўйлайди. Магазинда ҳамма нарса бор, хоҳлаганча еб-ич, айшингни суриб яшайвер, фақат пахта бер, мен кимман, келажакда ким бўламан деб ўйлама, шу нарса аниқ сен совет фукаросисан, ўтмишингни

унут, у эслашга арзимаиди, келажакда эса сен рус бўлишинг керак, чунки ўзбек, Ўзбекистон йўқ, битта СССР бор, шуни билсанг бас.

Хуллас Толмас аканинг суяги ҳам шу замоннинг шамолида қотди. У ҳар хил ишларни бажарди. Арава ҳайдади, қўй боқди. Фарғона канали қурилишида қатнашди. Кўрмаган азобию, кирмаган кўчаси қолмади. Кейинроқ қариндошлар ёрдамида ўзига ўхшаган етимга уйланди. Аввалига совхозда ҳар хил ишларни қилиб юрди, кейин эса унга партия ишониб бир отар мол берди, чунки у сағирликда ўсган камбағал оиладан чиққан, шу бир отар молни боқса «Коммунистик партия» сафига қабул қилинар экан. Толмасга шу тўғрида совхоз парткоми ва директор яхшилаб тушунтирди. Толмас бунга рози бўлди ва бир отар, роса бир юзу ўттизта молни қабул қилди. У энди бош чўпон, хотини соғувчи, энг асосийси эру хотин коммунист. Иш қизғин. Ҳар 10-5 кунда «парт мажлис» бўлади, у ерда асосан директор, партком, райондан келган вакил гапиради ва мажлис тугайди. Қайтишда Толмас албатта магазинга кириб ичади, уйга ҳам 4-5 та ароқ олади, чунки бош зоотехник келса албатта шундан сўрайди, шу бўлса ўлжа бузоқ тирик, тиригини ўлдирса бўлади.

Хаёт шу зайлда давом этди. Бирин-кетин фарзандлар кўришди, уч фарзандни тупроққа беришди. Хотини Лобар кўп куйди. Яна икки қиз кўришди ва учинчиси шу дилозор отасини хўрлаган Тавфиқ эди. Толмаснинг қувончи чексиз, ўғли туғилганда қўй сўйиб дўстларига ҳақ берди, соч тўй қилди, борини аямади. Бирин-кетин яна икки ўғилли бўлишди. Тўлик бахт, тўкис оила. Толмас иши юришди, у энди кўпроқ пул топишни, маишат қилишни ўйлар, қарамоғидаги молларни ўз мулки деб билар, ҳар куни Тавфиқни ароқ олиб келишга магазинга юборар эди.

* * *

Толмас кўшни тумандаги бозордан кайфи тарок бўлиб уйга келди:

- Ху Ота ўғил, қаердасан бери кел, мана сенга дипломат олиб келдим, қани бир кўтариб кўрчи, ҳа молодес, энди сен йигитсан, шуни мактабга олиб борасан хўпми.

Тавфиқ ижирғаниб ота ёнига келди ва:

- Буни малимлар кўрса уради, деди.

- Нима сен малимлардан кўрқасанми, ҳа ўша малимингди онасини... Ху қани ароқдан олиб чиқ, бир буни ювайлик-а, сен энди йигитсан.

Олтини битирасан, ичсанг бўлади. Тавфиқ бурилиб хонадан чиқди, ўчоқ бошида ўз иши билан машғул онасига бориб ота амрини айтди.

- Опа, отам ароқ деяпти. Менга дипломат опкепти, шуни иккимиз ювамиз экан. Ароқ қаерда?

Боланинг гапидан ранжиган Лобар бобиллаб берди.

- Шу отангга бир гап бўлдими, ўзи ичгани етмай сени ҳам ароқхўр қилмоқчими, ароқ йўқ экан де! Ухлаб қолади.

Иш у айтганча бўлмади, чаппасига кетди, ичкарида туриб очик дераза орқали бу гапларни эшитиб турган Толмас шахт билан ҳовлига чиқди:

- Ху партия (Лобарни партия деб чақирар эди) ҳали сен болани менга қарши қайраяпсанми-а, нима у қиз боламиди, қара у ўғил бола биринчидан, иккинчидан ароқ бор уйда. Тавфиқ қани ўғлим, бор опчик шифонерда турибди, бор деяпман!

Отанинг важохатини кўриб Тавфиқ сўзсиз уйга йўл олди ва бир шиша ароқ олиб чиқди.

- Қани пиёлани олиб чиқ, онанг кўриб кўйсин икковимиз дипломатни ювишимизни тез бўл, - дея ўшқирди.

Тавфиқ пиёла олиб чиқди ва отасига берди. Толмас сўрига ўтириб ароқ оғзини очиб иккита пи-

ёлага ароқ қуйдида: Қани йигит олчи, дея Тавфиққа тутди.

- Вой дадаси нима қияпсиз, ахир ёш болаку, қўйинг, - дея Лобар чопиб келди ва ароқ тўла пиёлани четга олди. Шу топда Толмасниг важохати ўзгарди, у хозир ҳеч нимани ўйламас, фақат кайф қилишни, озроқ бўлса ҳам шу лаззатни чўзишни истарди. Хотинининг бу қилиғи унга ёқмади. У тилига эрк берди:

- Хе партия, тилинг чиқиб қоптими, мен кимман биласанми, ёки кимлигим эсингдан чиқтими, керак бўлса ўзингга ҳам ичираман, қани ол пиёлани, ич, ич деяпман сенга.

- Сизга бир гап бўлдими, қўйинг, аёлларнинг ичганини қаерда кўрдингиз, ахир гунохку.

- Нима, гунох дейсанми, хе ўша гунохкор қилганингни энасини, ана парткомнинг хотини керак бўлса бизлар билан баб-баравар ичишди-ку ёки сиз художўй бўлиб қолдингизми-а, хе ўша худойингни ким кўрибди-а.

- Ундай деманг, Худони тинч қўйинг отаси, болани ҳам.

Толмаснинг одати шу гап қайтарса бўлмайди, буни оловга мой қуйгандай бўлди. Аввал шиша билан Лобарнинг бошига урди, сўнг Тавфиқни тепди, оғздан боди кириб шоди чикди, уйга кириб кетди.

Тавфиқ йиқилган онасига қараб интилди, у ерда чўзилиб ётар, бошидан қон оқарди. Шу топда ота чикди.

- Хе ўлмаптими, қўявер, ўзи туриб кетади. Эркакларнинг ишига аралашмайдиган бўлади, - дея ховлидан чиқиб кетди.

Тавфиқ онасини суяб турғизди, уйга олиб кириб ётқизди, у отасини ёмон кўриб кетди, ёш қалбида бир ёввойи хис уйғонди, кўнглида хозир катта бўлса-ю отасини хўп уриб алаמידан чикса. У ўтириб-ўтриб ухлаб қолди.

Толмас шу кетганча тўғри отарга борди, ёрдамчи чўпонларга уни қилмабсан, буни қилмабсан деб роса жонларига тегиб ем сақланадиган омборга кирди ва шу ерда учиб ухлаб қолди. Лобар ўша куни ишга келмади. Сигирларни бошқа соғимчилар соғди. Эртаси ҳам Толмас уйга бормади, хавотир олган Лобар Тавфиққа:

- Болам отанг йўқ, кўрага бориб билчи ўша жойдамикан, шу ароқ бошимизга балоям бўлди, ўша ерда бўлса уйга олиб кел, - деди.

- Э юрса юравермайдими, уйга келмасаям майли, бормайман, - деди Тавфиқ.

- Йўқ, бор ахир отанг-ку, кеча маст эди, бугун ичмагандир, бор ўғлим.

Тавфиқ кўрага борди, чўпонлардан отасини сўради. Хамза деган чўпон:

- Ха, шу ерда, ана складга кир отанг ўша ерда ётибди, арши-аълода ётгандай, хаммани тузлаб бўлди, - деди.

Тавфиқ складга кирди. Отаси камбикорма устида чалқанча ётар, олдида битта пиёла ва охиригача ичилган ароқ шишаси ётарди. Бу ерда яна кимдир бўлган, нимадир қилинган, атроф ифлос. Тавфиқ жирканди, шу одам отаси эканлигини ўйлаб жирканди, лекин отаси-ку, ноилож уни туртиб уйғотди. Ота-ота туринг, уйга кетамиз, бу ерда нега ётибсиз, - дея уни тортқилади.

Толмас кўзини очди, ўғлини кўриб иржайди, меҳри жўшиб уни кучмоқчи бўлди, лекин бола ўзини ундан четга олиб тисланди.

- Ха, нега қочасан мендан, ҳазар қиялсанми, онанг сени қайрабди-да.

- Йўқ ота, онам ҳеч нарса дегани йўқ, сизни олиб кел, деди, юринг кетамиз, ана эшакни миниб келганман.

Тавфиқ ташқари чиқди, Хамза ака деб чақирди. Хамза келгач отасини эшакка миндириб беринг деди.

Хамза ичкари кириб Толмасни олиб чиқар экан ўзича сўкинар эди.- Ўртоқ старшин, бу бутилкада жин туради, ичга кириб олгач шунақа тўғри келган жойни станция қилиб қўяди, икки кундан бери турибсиз, мана йўл ёпиқ деб.

Тавфиқ, Хамза икковлашиб Толмасни эшакка миндиришга роса уринишди бўлмади, охири уни кўндалангига қопга ўхшатиб эшакка юклашди.

- Ука бир амаллаб уйга етиб оларсан, онагга олиб бориб топшир, ҳамма жойи бутун. Хамза акам гувоҳ де, - деганича жавраб қолди.

Хамза ҳам ичади, лекин Тавфиқ унинг бирон жойда ётганини ё жанжал қилганини билмайди. Отаси бўлса ичса бас, уйдаи, кўчадаи, тўйдаи жанжал қилади. Тавфиқ уч-тўрт ой олдин кечаси бўлган воқеани эслаб кетди. Ўша куни ҳам отаси Самарқанддан келган эди. Кечаси ухлаб ётган эди, бакир-чакирдан уйғониб кетди.

Онаси ётган хонага ўтди. Отаси маст, ярим яланғоч ҳолда онасини урар эди. Тавфиқ дахшатдан қотиб қолди.

- Тавфиқ, бор уйга кир, ухлайвер, - деди отаси. Кўркув ва уятдан лол бўлган Тавфиқ хонага кирди. Лекин ухламади. Ўшанда ҳам отасини ёмон кўриб кетди. Ўзича уни минг бир азобларга солди, кейн ухлаб қолди. Мана ҳозир ҳам уйга боргач яна жанжал бўлади ёки отасини йўлга ташлаб кетсаминкин. Онаси барибир сўрайди, қани дейди. Ху бирда отаси уйга келмаса ҳам майли деганда, йўқ болам, ахир отанг-ку, ҳозирги замонда ҳамма ичади, отанг ҳам қариса ичмай қўяди, мана сен борсан, шунақа ароқсиз кўп ишлари битмайди, шу ишни деб ароққа ўрганиб қолди, инсоф берар, - деганди.

Тавфиқ бир амаллаб отасини уйга олиб келди, онаси билан эшакдан тушириб уйга олиб кириб ётқизди. Тавфиқ онасига ҳам тушунмайди, негаки онаси ҳам отаси билан айтишаверади, баъзида уни хўкиз деб ҳақоратлайди ва яна жанжал.

Орада йиллар ўтди. Толмас ишдан бўшади, камомад билан. Камомадни тўлаб бекорчи бўлди, яна пенсия чиқди, лекин ичишни қўймади, ҳар бир ичишга баҳона бор, у топарди.

Тавфиқ эса мактабни битирди, савдо соҳасида ўқиди. Толмас уни пудан қисмади. У ўқишдан кўра маишатни излар, қизлар билан кайфу-сафо қилар, ичишни эса отасидан ўрганган эди. У ўқишни битириб ишга кирди, дўст-ошна орттирди. Уйга ҳам меҳмон олиб кела бошлади. Толмас унга энди ота эмас, «бобой» бўлди. Она мамашка. Бир куни меҳмон олиб келди. Қўй сўйилиб, зиёфат берилди. Толмасни ҳам даврага қўшишди. Кекса барибир кексада. Толмас маст бўлиб бир меҳмонни ранжитди. Бу Тавфиққа ёқмади. Меҳмонлар кетгач у отани тергади.

- Ху старшин, одамни расво қилдингиз-ку, мени дўстларим олдида шарманда қилдингиз, эркак деган бундай бўлмайди. Бу гап Толмаснинг кўксига тиғ бўлиб ботди.

- Ха биз эркак бўлмасак сиз қаердан бино бўлгансиз бойвачча, - деди.

Карахт Тавфиққа бу гап охириги нуқта бўлди, у отасининг юзига мушт солди ва деди: сенинг отам бўлганингдан ҳазар қиламан, мен сенсиз ҳали кунимни кўраман, деди-да чиқиб кетди. Бу ҳолни Толмас ҳеч кимга айтмади. Ўзидан ўтганини ўзи билди. Қор ёғди, излар босилди.

Хаёт дарё каби оқаверди. Тавфиқ уйланди. Келин ҳам бегонамас, туппа-тузук оиланинг қизи, ибодли, камсуқум. Ота пенсияга чиққан. Тавфиқ ишлар, оиладаги аҳвол эса гоҳ ундай, гоҳ бундай. Ўғил яхши пул топарди. Совхоз марказида ишлаган Тавфиқ ҳар куни ичар, уйга келиб жанжал қилар эди.

Бир куни Толмас ўғлига ичмагин, ўзинг хисобкитоблик ишдасан, келин билан ҳам жанжал қилма деди-ю уйқудан уйғонгандай бўлди, чунки Тавфиқ унга мисоли ойна эди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1031> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1031> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1031>